


Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

60410200 – Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича)
бакалавриат таълим йўналишининг малака талаблари

Тошкент



ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Тошкент давлат иқтисодиёт университети;
- Ўзбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси.

ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2022 йил «29» 08 даги 5 - сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2022 йил «09» 08 даги 302 - сонли буйруғи билан тасдиқланган.

ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамакасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи	4
1.1.	Қўлланиш соҳаси	4
1.1.1.	60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.....	4
1.1.2.	Малака талабларининг тайёрлаш ваколати.....	4
1.1.3.	Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари.....	4
1.2.	60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи	4
1.2.1.	60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари.....	4
1.2.2.	60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари.....	5
1.2.3.	60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари.....	5
1.2.4.	60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.....	5
1.2.5.	Таълимни давом эттириш имкониятлари.....	6
2.	60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар.....	6
2.1.	Умумий компетенциялар.....	6
2.2.	Касбий компетенциялар.....	7
	Библиографик маълумотлар.....	9

1. 60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрлаш олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида кундузги, кечки ва сиртки таълим шаклларида амалга оширилади. Барча таълим шакллари бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил қилинади. Кредит-модуль тизимининг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга “бакалавр” малакаси (даражаси), Солиқлар ва солиққа тортиш йўналиши бўйича “Иқтисодчи” квалификацияси берилади ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий хужжат(лар) берилади. Кундузги таълимда бакалаврият дастурининг меъёрий муддати 4 йил.

1.1. Қўлланиш соҳаси.

1.1.1. 60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши Малака талабининг қўлланилиши.

Малака талаби *60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича)* таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи барча олий таълим ташкилотлари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

- мазкур таълим йўналиш бўйича малака талаблари, ўқув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўқув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим ташкилотининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- таълим йўналишининг ўқув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим ташкилотининг талабалари;
- бакалаврият битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим ташкилотларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим ташкилотларига ўқишга кираётган абитуриентлар, уларнинг ота-оналари ва бошқа манфаатдор шахслар.

1.2. 60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи.

1.2.1. 60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши – иқтисодиё ва молия соҳасидаги таълим йўналиши бўлиб, у ўз ичига давлат солиқ хизмати органлари тизимида солиқ маъмурчилигини ташкил этиш, молия органларида солиқни бошқариш, режалаштириш ва прогноз қилиш, турли мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотларда, солиқ маслаҳати ташкилотларида солиқ маслаҳати хизматларини кўрсатиш, илмий – тадқиқот муассаслари ва жамоат бирлашмалари; давлат бошқарув органлари; солиқ маданиятининг функционал тизимларини ишлаб чиқувчи ва тарғиб қилувчи бирлашмалар, жамғармаларнинг фаолият кўламини қамраб олади.

Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари ва соҳа мутахассисларининг таклиф ва талабларидан келиб чиққан ҳолда

бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.

1.2.2. 60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:

Давлат солиқ хизмати органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги солиққа оид муносабатлар, солиқ-бюджет тизими, солиқ маъмурчилиги, солиқ назорати, солиқ маслаҳати ҳамда солиқ ҳисоботидаги жараёнлар мажмуаси ҳисобланади.

60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврият битирувчилари педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан кейин, профессионал таълим муассасаларида таълимнинг ваколатли бошқарув органлари томонидан аниқланадиган умумкасбий ва ихтисослик фанларини ўқитиш бўйича педагогик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга бўлади. Бакалавриятнинг касб таълими йўналишлари бундан мустасно.

1.2.3. 60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари:

- *фискал-молиявий;*
- *ҳисоб, таҳлил ва назорат;*
- *ташкилий-бошқарув;*
- *назорат-тафтиш;*
- *илмий-тадқиқот;*
- *педагогик (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида).*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

1.2.4. 60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий вазифалари.

60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича Миллий малака рамкасининг 6-малака даражаси ҳамда бакалавр касбий фаолиятларининг соҳалари, объектлари ва турларига мувофиқ бакалаврият битирувчиси қуйидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:

- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш;
- ташкилот ва корхоналар фаолиятини стратегик ривожлантиришда замонавий иқтисодий билимларни қўллаш орқали бошқариш;
- ташкилот, корхона ва уларнинг алоҳида бўлинмалар ташкилий тузилмасини оптималлаштириш, ходимларнинг профессионал тайёргарлик даражасини ошириб боришни ташкил қилиш ва бошқариш, меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишни режалаштириш, меҳнатни рағбатлантириш тизимини йўлга қўйиш;
- бирламчи ишлаб чиқарувчи бўғин ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширилган ишларнинг натижаларини баҳолаш;
- касбга оид муаммолар ечимларини амалиётга тадбиқ этиш, ишлаб чиқариш жараёнида сифатни бошқариш;
- корхоналар ташкилий-бошқарув фаолиятида қабул қилинадиган қарорларни ижтимоий-иқтисодий самарадорлик мезонлари асосида ишлаб чиқишда ҳамда қарорларни муқобил вариантини танлаб олишни асослашда иштирок этиш;
- замонавий ахборот технологиялардан бошқарувда фойдаланиш, ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш усуллари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

- ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларидан фойдаланишни режалаштириш, фавқулодда содир бўлиши мумкин бўлган хавф-хатарларни таҳлил қилиш.
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарига инвестицияларни жалб қилиш механизмларини қўллаш, инвестицион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва бошқариш.

Ахборот-таҳлилий фаолиятида:

- бошқарув қарорларини қабул қилиш учун ташкилотнинг ташқи ва ички муҳити омиллари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- қарор қабул қилиш, фаолиятни режалаштириш ва бошқариш учун маълумот тўплаш, ташкилотнинг ички ахборот тизимини яратиш ва унинг ишлашини бошқариш;
- ташкилотнинг ички ҳужжат айланиши тизимини ишлаб чиқиш ва бошқариш, ташкилотлар фаолиятининг турли кўрсаткичлари бўйича маълумотлар базасини юритиш;
- лойиҳалар самарадорлигини баҳолаш;
- ахборот-таҳлил фаолияти натижалари бўйича ҳисобот тайёрлаш;
- бошқарув қарорларининг самарадорлигини баҳолаш.

Илмий-тадқиқот фаолиятида:

- илмий-тадқиқот институтлари ва марказларда тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш усуллари бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда қатнашиш;
- хўжалик юритувчи субъектларни замонавий бошқариш тизимини таъминлашга бағишланган мамлакатдаги ва хорижий давлатлардаги фан-техника ютуқлари, махсус адабиётлар ва бошқа илмий-техник ахборотларни ўрганиш ва тизимлаштириш;
- тармоқлар ва соҳаларни замонавий бошқариш тизимини таъминлаш борасидаги муаммоли мавзулар бўйича иқтисодий ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва тизимлаштириш ишларини амалга ошириш;
- интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;
- илмий тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;
- тадқиқот натижалари ва ишланмаларни татбиқ этиш.

Тадбиркорлик фаолиятида:

- янги бизнес-лойиҳаларни шакллантириш ва амалга ошириш;
- бизнесни ташкил этиш, бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари

60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) бакалаврият таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан белгиланадиган иқтисодиёт соҳаларини қамраб олувчи магистратура мутахассисликлари бўйича белгиланган муддатларда ўқишни давом эттириши мумкин.

2. 60410200-Солиқлар ва солиққа тортиш (фаолият турлари бўйича) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар

2.1. Умумий компетенциялар:

- давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиш;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, табиий илмий фанлар бўйича касбий фаолияти доирасида зарурий билимларга эга бўлиши ҳамда улардан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- ахборот технологияларини касбий фаолиятида қўллай билиши, ахборотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари эгаллаган бўлиши,

фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиш;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш.

2.2. Касбий компетенциялар:

- инновацион ривожланиш асосида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган фискал-бюджет сиёсатини амалга ошириш;

- солиқ конунчилигига риоя қилинишини, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг туғри ҳисобланишини, уларнинг тулиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

- бюджетга тўловларнинг тушиши ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг камайтирилишига доир белгиланган прогноз кўрсаткичларни бажариш;

- муддатида тўланмаган солиқ қарзини мажбурий ундирувга қаратиш;

- давлат даромадига ўтказилган мол-мулкни сотишдан олинган пул маблағларининг давлат даромадига тулиқ ва ўз вақтида тушишини, шунингдек давлат органларига берилган мол-мулк ҳисобини назорат қилиш;

- хўжалик юритувчи субъектларга зарур имтиёз ва преференцияларни такдим этиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

Фискал-молиявий фаолиятида:

- бюджет-солиқ сиёсатининг иқтисодий моҳияти ва уни бюджети тизимини барқарорлигига таъсирининг илмий-назарий асослари ўрганиш;

- давлат бюджет даромадларининг шаклланиши ўртасидаги ўзаро мувофиқлик ва уйғунликни таъминлашнинг назарий асосларини ёритиб бериш;

- ҳозирги шароитда давлат бюджети даромадларини шакллантиришда солиқларни ҳиссасини таҳлил қилиш ва молия тизими барқарорлигига таъсир этувчи омилларини аниқлаш;

- солиқ боқимандаларини иқтисодий тармоқларида фаолият олиб бораётган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан солиқ юкини тақсимланишига таъсирини ўрганиш;

- солиқ сиёсатини давлат бюджети даромадларини шакллантиришга самарали таъсирини таъминлаш бўйича илмий хулосалар ва тавсиялар бериш.

- бюджет-солиқ сиёсатига таъсир этувчи омиллар комплекси таҳлил қилиниши натижасида солиқ юкини янада камайтириш, солиқларнинг йиғувчанлик даражасини ошириш, солиқларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланишини масалаларини ўрганиш.

Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:

- молия ёки давлат солиқ; хизмати органларида солиқ тушумларини таҳлил қилиш, режалаштириш ва прогнозлаштириш, ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларининг солиқ салоҳиятини аниқлаш;

- давлат солиқ хизмати органларида жорий қилинган дастурий махсулларда ишлаш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ахборот-таҳлилий ишларни олиб бориш;

- солиқ тўловчилар, солиқ солиш объектлари ҳамда солиқ солиш билан боғлиқ бўлган объектларни тўлиқ ва ўз вақтида ҳисобга олиш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, солиққа оид маълумотларнинг ягона электрон базасини юритиш;

- солиқ тўловчи жисмоний ва юридик шахсларнинг электрон шахсий карточкаларини юритиш ва солиқ тушумларининг тезкор электрон бухгалтерия ҳисобини олиб бориш;

- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар ҳисобини юритиш, солиқ тўловчиларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлардан солиқ қарзи мавжуд

эмаслиги ҳақида электрон маълумотномалар бериш;

- солиқ тўловчилар томонидан солиқ мажбуриятларининг бажарилишини камерал назорат қилиш;
- солиқ қарзлари пайдо бўлиш сабабларини таҳлил қилиш ва уларни қисқартириш чораларини кўриш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Ташкилий-бошқарув фаолиятида:

- давлат солиқ хизмати органлари ишини ташкил қилиш ва фаолиятини бошқариш;
- солиқ ишини ташкил этиш учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратиш ва ресурсларни режалаштириш;
- инновацион ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда солиқ маъмурчилигини ташкил этиш;
- инновацион ахборот технологиялар тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ва механизмларини ишлаб чиқиш;
- солиқ солиш амалиётида юз берган муаммоларни ечиш йўлларини излаш, илғор тажриба ва синалган методларни амалиётга татбиқ этиш;
- хизмат вазифаларини бажариш чоғида унга маълум бўлган хизмат сирлари ва бошқа маълумотларни, шунингдек давлат сирларини сақлаш, уларнинг ошқор этилишига йўл қўймаслик;
- бажараётган фаолияти бўйича иш режаси тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширган ишининг натижаларини баҳолаш;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг солиқ солиш ва солиқ қонунчилиги бузилиши масалалари бўйича мурожаатларини кўриб чиқиш;
- фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини, шикоят ва аризаларини кўриб чиқиш ва қонуний тартибда ҳал этиш **қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

Назорат-тафтиш фаолиятида:

- солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шубҳали солиқ тўловчиларни аниқлаш;
- назорат қилувчи органларининг хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича ишларини мувофиқлаштириш;
- солиқ текширувларини ўтказиш, солиқ тўловчиларнинг молия-хўжалик фаолиятини тафтиш қилиш, бухгалтерия ҳисоблари, статистик, солиқ ва молиявий ҳисоботлар ҳаққонийлигини текшириш;
- пул маблағларининг ноқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш чораларини амалга ошириш, аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан нақд пул тушумларининг банк кассаларига ўз вақтида ва тўлиқ топширилиши юзасидан солиқ текширувларини ташкил қилиш;
- савдо ва хизматлар кўрсатиш қоидаларига риоя этилишини назорат қилиш, шу жумладан назорат-касса машиналарини, пластик карточкалардан тўловларни қабул қилиб олиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларини қўлланиш, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини сотиш ҳамда маркировка қилиш қоидаларига риоя этилиши юзасидан қисқа муддатли текширишларни ўтказиш;
- бозорлар, савдо комплекслари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автомобилларни вақтинчалик сақлаш жойларида молиявий-иқтисодий ҳамда солиқ соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқ бузилишларини аниқлаш ва олдини олиш уларнинг ҳудудларида сифатсиз, қалбакилаштирилган, контрафакт ёки контрабанда товарларини тайёрлаш ва сотишга қарши курашишни ташкил этиш;
- бошқа мажбурий тўловларни ундириш вазифасини амалга оширадиган давлат органлари ва ташкилотлар устидан назоратни амалга ошириш;
- солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликка йўл қўйган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан қонунчиликда белгиланган молиявий ва бошқа жазо чораларини қўллашни таъминлаш;

КЕЛИШУВ ВАРАҒИ

ИШЛАБ ЧИҚИЛДИ:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети



Ректор

К.А. Шарипов

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

КЕЛИШИЛДИ:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси



Раси ўринбосари

М.М. Махкамов

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги
Олий таълимни ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор
технологияларни татбиқ этиш маркази



Директор

Ш.У. Якубов

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

Тошкент молия институти

Ректор

Т.З. Тешабоев

202_ йил «_____» _____

М.Ў.

